

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 18-may, shanba № 37 (15675)

Barkamol avlod

Отасига устоз бўлган фарзанд

Шахло 6-синфда шотокан каратэ тўғарагига борганида, тўгарак аъзолари орасида бирорта қиз йўқ эди. Бугун бу ерда ўнлаб қизлар спорт билан шуғулланишади...

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги «Гулистон» маҳалласида туғилиб ўсган, айна кунда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг якка кураш спорт турлари факультетида тахсил олаётган тенгдошимизнинг спортга кириб келиши қандай кечган?

— Ҳар тонг акамга қўшилиб югурардим, — эслайди Шахло Норқобилова. — Ушанда менинг спортга қизиқишимни қўллаб-қувватлаган ота-онам маҳалламиздаги ички ишлар профилактикасига қарашли спорт тўғарагига етаклаб борган. У ерда (ҳозир Сурхондарё вилояти шарқ якка курашлари ва жанг санъати маркази директори) устозим Хурсанд Курбанов ва Асқарали Ёқубовдан каратэнинг шотокан йўналишини ўргандим. Сўнг фудокан, жеткундо, комбат-айкидо билан шуғуллана бошладим... Биринчи ютуғим — шотокан каратэ бўйича ўтказилган Сурхондарё чемпионатида кумуш медаль бўлган. Бу муваффақиятим кейинги ғалабаларимга ишонч бағишлади. Ўқишни туманимиздаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда давом эттирдим...

Қизиқиш ва интилиш, яқинлар кўмаги спортчи қизга омад бағишлади. У ўқувчилик давридаёқ жеткундо бўйича Ўзбекистон чемпиони, фудокан бўйича уч карра мамлакат ғолиби, комбат-айкидо бўйича саккиз карра Ўзбекистон чемпиони бўлган. Шахло мактаб даврида инглиз тилини яхши ўзлаштириб, туман, вилоят фан олимпиадаларида яхши натижаларга эришган. Шахмат эса хоббисига айланди.

Фудокан ва комбат-айкидо йўналиши бўйича 1-ДАН қора белбоғ соҳиби бўлган тенгдошимиз ўша йиллари маҳалладошларига уч йил устозлик қилди.

— Эсимда, тўғарагимизга ёш ўғил-қизлар билан бирга, катталар ҳам қатнардим, — дейди спортчи қиз. — Ҳатто отамга ҳам устозлик қилишга тўғри келган. Бу ҳам спортга бўлган қизиқиш туфайли бўлса керак. Бугун шундан хурсандманки, ушанда менга шогирд бўлиб келган Сарвиноз Шайдуллаева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди... Институтда устозим Шахло Нуриддинова кўмагида таэквондонинг WTF йўналиши билан шуғулланаяпман. Мусобақаларда кўпроқ комбат-айкидо бўйича иштирок этаман. 2012 йилда комбат-айкидо бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ғолиби бўлдим. Спорт инсонни чидамли, бардошли, сабрли бўлишга ўргатади. Мухими, танани чиниқтириб, соғлом қилади.

Тенгдошимизнинг орзулари бир олам. Улардан бири — устози Асқарали Ёқубов сингари мураббийлик қилиш.

— Институтни тамомлагач, туманимизда таэквондо тўғарагини ташкил этиб, ёш авлодга устозлик қилмоқчиман, — дейди Шахло. — У ерда янги-янги чемпионлар тайёрлайман. Уларни халқаро турнирларга олиб чиқиш учун инглиз тилини ҳам пухта эгаллашга ҳаракат қиляпман.

Спортчи қизнинг олтин медаллари яна иккитага кўпайди. 19-21 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуасида комбат-айкидо бўйича бўлиб ўтган III халқаро турнирда ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Россия, Туркменистон, Тожикистон каби қатор давлатлар иштирокчилари орасидан айнан менинг ҳаракатларим олтин медалга муносиб топилганидан хурсандман, — дейди Шахло Норқобилова. — Келгусида медаллар сонини янада ошироқчиман.

Тенгдошимиз учта кубок, эллиқдан ортиқ медаль соҳибаси. Шубҳасиз, бу юртимизда спортга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шароитлар маҳсулидир.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири



2-, 3-бетларга қаранг



Сардор Муллажонов фотокўлажи

Ijtimoiy sheriklik

Ҳаёт гўзаллиги оила билан

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги ялпи йиғилишида қабул қилинган қарорга кўра, 1994 йилдан бошлаб 15 май — Халқаро оила кунини сифатида нишонланади. Бу борада қилинадиган саъй-ҳаракатлардан мақсад инсоният диққат-эътиборини оилаларнинг мустаҳкам бўлишига қаратишдир. Зеро, инсон ўз орзу-ҳаваслари, бахт-иқболи, хотиржамлигини кўрадиган жой бу — оиладир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда оила институтини барқарорлаштириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишга қаратилган фармон, қарор ва фармойишларнинг амалдаги ифодаси, аҳолининг репродуктив саломатлиги ва соғлом фарзандни вояга етказишда бугунги кун оила-

си олдига қўйилган вазифалар тахлил этилди. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда давлат ва нодавлат жамоат ташкилотларининг ижтимоий шериклигини янада кучайтириш орқали юртимизда ёш оилаларнинг барқарор ривожланишига эришиш мумкин. Семинар доирасида ушбу жараёндаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида ахборот берилди.

— Барча ривожланган мамлакатлар қатори бизнинг мамлакатимизда ҳам оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш хизмати ривожланишига катта эътибор берилляпти, — деди Республика «Оила»

илмий-амалий маркази илмий ходими Дилором Муродова.

Айна кунда Фарғона вилоятида оилавий психологик ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилиши режалаштирилган. Оиладаги қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар, фарзандлар тарбияси, умуман, ижтимоий ҳаётдаги турли масалаларни ҳал этишда оилавий психологик ёрдам марказлари яқиндан ёрдам беради. Яқин-келажакда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам шундай марказлар ташкил этилади.

(Давоми 7-бетда)

Ijtimoiy innovatsiyalar

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, БМТ Кўнгилчилари дастури, «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгилчилик» лойиҳаси Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети билан ҳамкорликда ёшлар учун бир ҳафталик ижтимоий тараққиётга йўналтирилган лойиҳаларда ижтимоий инновациялар методларини қўллашни ўргатувчи «ITERATE» устахонасини ташкиллаштирди.

Янги ғоялар ва ташаббуслар

Саккиз кунлик ушбу ўқув-тренингда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган йигирмадан ортиқ ёшлар қатнашмоқда. Улар мураккаб комплекс муаммоларни турли нуқтаи назардан таҳлил қилишга бағишланган бир қатор тренингларда иштирок этишади.

— Бу ерда иштирокчиларга янги билим ва кўникмалар бериш орқали ўз лойиҳаларини ҳаётга татиқ этиш ҳамда жамиятда тарғиб қилишга кўмаклашилади, — дейди БМТТД/БМТК «Ўзбекистонда ижтимоий инновациялар ва кўнгилчилик» лойиҳаси тренинглар ва оммавий алоқалар бўйича мутахассиси Баҳром Ражабов. — «ITERATE» устахонасини олган ушбу ўқув-тренинг ижтимоий инновациялар соҳасидаги халқаро экспертлар ёрдамида ўтказил-япти. Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад — одамларни кўпроқ ижтимоий инновациялар ғояси билан таништириш ҳамда янги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишдир.

— Бу ерда ижтимоий инновациялар бўйича янги ғоялар, янги услубларни ўрганиш, — дейди Наманган давлат университети талабаси Барчиной Низомбоева. — Машғулотларнинг инглиз тилида хорижлик экспертлар томонидан олиб борилаётгани чет эл тажрибалари ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишимга ёрдам берапти. Вилоятда ногирон болаларни инглиз тилида ўқитиш учун янги лойиҳа ишлаб чиқдим. Ушбу лойиҳани амалиётда қўллаш учун бу ерда янги ўқитиш методлари ҳамда янги дизайн йўналишларини ҳам ўрганиш.

Иштирокчилар шанба-якшанба кунлари олган назарий билимларини амалиётда қўллашади. Тренинглар 22 майга қадар Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетида бўлиб ўтади.

Рустам ҚўЧҚОРОВ

Шижоату заковат майдону



Истиқлол туфайли миллий армиямизга эга бўлдик. Жалолдин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардаларимиз номи қайта тикланди. Мана шундай буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларини излаб топиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати биринчилардан бўлиб ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган йирик — «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси лойиҳасини амалга оширди. Бугун ушбу мусобақа жасур, эпчил, шу билан биргаликда юксак интеллектуал салоҳиятли ўқувчи-ёшларнинг ҳақиқий синов майдонига айланди.

Дарҳақиқат, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, спортга кенг жалб этиш, миллий қадриятлар, она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, дўстлик ва ҳамжиҳатлик хислатларини шакллантириш, жисмонан ва руҳан чиништириш, муҳими, баркамол авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдек мақсадларни кўзлаган. Аънавий тарзда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур мусобақа туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинапти. Унда ўқувчилар жанговар ва ҳарбий-спорт беллашувларидан ташқари, ҳарбий бурч ҳамда ҳарбий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий билимлар борасида ҳам куч синашади. Мусобақа кунлари ўқувчилар Қуролли Кучлар ички тартиб-қоидалари асосида аскарлар тураржойида яшаб, жанговар техника, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши, ҳарбий хизмат шарт-шароитлари билан танишиб, кўникма ҳосил қилишади.

Мард майдонда синалади, деганларидек, ўқувчилар ҳам дала машғулотига ўзларининг қай даражада кучли жисмоний тайёргарликка эга эканликларини намойиш этишяпти. Улар автоматни қисмларга ажратиб ва йиғиш, пневматик

қуролдан ўқ отиш, бир километрга югуриш, турникда тортилиш, граната улоқтириш, тўсиқларро ўтиш, компас орқали белгиланган ҳудудни аниқлаш каби шартларда беллашиш орқали таълим муассасасида қақриққача ҳарбий тайёргарлик юзасидан олган билимларини амалиётда қўлласалар, ижтимоий-сиёсий билимлар танловида Ватанимиз тарихи, ҳарбий соҳадаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан қай даражада хабардор эканликларини намойиш этишади. Мусобақа низомига киритилган ўзгартиришга кўра, бу йил иштирокчилар Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби асосида тайёрланган тест саволларига ҳам жавоб беришди.

Бундан кўрииб турибдики, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси нафақат жисмоний жиҳатдан кучли бўлганларни, балки ақл-заковатда ҳам тенги йўқ ёшларни тайёрлашга, уларни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

— Тўғриси, бундай ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги мусобақада иштирок этолмаганимдан афсусдаман, — дейди Фориш жанговар тайёргарлик полигони взвод командири, катта лейтенант Маъмуржон Ҳамидов. — Улар биз, ҳарбийлар бажарадиган машқларни ҳам яхшигина удалашяпти. Уч кун давомида мусобақа иштирокчилари билан бирга бўлиб, уларнинг нафақат жисмоний тайёргарлигига, балки интеллектуал салоҳиятига ҳам қойил қолдим. Айниқса, Президентимиз асарлари бўйича берилган саволларга қайтарган аниқ ва тўғри жавоблари менда катта таассурот қолдирди. Ушбу

мусобақада бир марта қатнашган ўқувчи, албатта, ҳарбий бўлишни ният қилади. Бунга ўзим гувоҳ бўламан.

Бугун «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси аждодларига муносиб авлод бўлишни кўнглига туккан, жисмонан бақувват, сиёсий билимга эга, ҳақиқий ватанпарвар ёшларни катта ҳаётга тайёрлайдиган мактабга айланди. Бу мактабда ўз имкониятларини синайдиганлар сафи йилдан йилга ортмоқда.

— Илк бор ушбу мусобақада беш мингга яқин ўқувчи қатнашган бўлса, бу йилги мусобақада иштирокчилар сони эллик минг нафарга етди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши бўлим мудири Маъмур Баёнов. — Шундан ҳам кўрииб турибдики, «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси ўқувчи-ёшлар ўртасида катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мусобақа давомида иштирокчилар сержантлар билан биргаликда ҳарбий ўқув-дала майдонларида ўтаётган дарс жараёнларида қатнашиб, ҳарбий техникалар билан танишди. Бу эса, уларни Ватан тинчлигини асраб-авайлаётган аскарларнинг меҳнати нечоғлик машаққатли, шу билан бирга, шарафли эканлигини юракдан ҳис этишга ундайди. Мусобақа иштирокчиларининг пухта ҳозирлиги, ғайрат ва шижоати, ҳарбийликка бўлган қизиқиши, кучли ҳавасини кузатиб, кувонишингиз табиий.

Келгусида бундай тиришқоқ, заковатли йигитларни курсантлар, муддатли ҳарбий хизматчилар сафида кўрсангиз ажабланманг! Чунки энг сара ўғлонларгина Ватан ҳимоячиси деган номга сазовор бўлишади. «Шунқорлар»да товланган кўпгина йигитлар айна кунларда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида хизмат қилмоқда. Улардан бири Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти взвод командири, катта лейтенант Иброҳим Ҳамдамов.

— «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси менинг ҳаётимда катта бурилиш ясаган, — дейди офицер Иброҳим Ҳамдамов. — Чунки ушбу мусобақада қатнашимдан олдин ҳарбий соҳадан хабардор эмасдим. 2005-2006 йилларда

Yurtning jasur o'g'lonlari

Наманган вилояти Косонсой тумани жамоасида иштирок этиб, ҳарбий соҳада, шу билан бирга, ҳам жисмоний, ҳам интеллектуал жиҳатдан яхшигина билим ва тажриба тўпладим. Она юртни севиш, асраш, ватанпарварлик деган тушунчаларни чуқурроқ англаб етдим. «Шунқорлар» чин маънодаги шунқордек шижоатли ёшларни тарбиялайдиган ҳақиқий беллашувлар майдонидир. Мана шундай беллашувларда товланиб, 2006 йил Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига бир эмас, учта синфдош ўқишга кирдик. Барчамиз «Шунқорлар»да қатнашганмиз. Шу боис ўқиш давомида ҳам унчалик қийинчиликларга дуч келмадик. Ҳозир ушбу билим юртида ёш аскарларга олган билим ва тажрибаларимизни ўргатиб келяпмиз.

Мусобақа давомида йигитларнинг жисмоний тайёргарлиги ва билими синовдан ўтиши билан бирга, уларда ирода, матонат, биродарлик ва ҳамжиҳатлик фазилатлари ҳам шаклланади. Шундай қобилиятларга эга бўлиб бораётган Норбой Мусаев сардорлигида Самарқанд вилояти Пайариқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис касб-хунар коллежининг «Лочин» жамоаси бу йилги «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари финал босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

— Уч йилдан буён ушбу мусобақа майдонида товланиб келаяпман, — дейди коллеж ўқувчиси Норбой Мусаев. — Дастлаб туман босқичида, ўтган йили эса вилоятда учинчи ўринни эгалладик. Бу йил республикада биринчи ўрин соҳиби бўлдик. Мусобақа якунида биринчи ўринга лойиқ қўрилганимиз эълон қилинганда, жамоадолларимнинг, айниқса, қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчимиз Асрор Ялғашевнинг саъй-ҳаракатлари бежиз кетмаганидан хурсанд бўлдим. Албатта, сардорлик осон эмас. Ҳар бир сардор жамоа аъзоларини руҳлантириши, уларнинг ғалабага бўлган ишончини ошириб бориши зарур. Мусобақа давомида кўплаб дўстлар орттириб, Ватан посбонлари учун яратилган ша-роитлар, ҳарбийча ҳаёт тарзи, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ҳақидаги фикрлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Мусобақа орқали юртимиз тинчлигини қандай асраб-авайлашни, ватанни севишни, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий ватанпарвар қандай бўлишини ўргандим. Ҳозир ҳар бир вазифани ўз вақтида бажаришга одатланганман. Бу ҳам бўлса «Шунқорлар»да қатнашиб орттирган тажрибам натижасидир.

Ташкилотчиларнинг айтишича, кейинги йилдан бошлаб «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасида ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича билими ҳам синовдан ўтказилар экан. Эндиликда мусобақа иштирокчиларидан чет тилидан ҳам юқори салоҳиятга эга бўлиш талаб этилади. Бундай юрт фарзандларини ҳеч бир ғаразли куч енга олмайди. Юртимиз тинчлиги, унинг осойишталиги ҳам ана шундай мард, жасур, ботир ўғлонлар қўлида.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Ёш чегарачилар посбонликка шай

7,85 сонияда автоматни қисмларга ажратганни кўрганмисиз? У ҳарбий эмас, балки ўқувчи қиз бўлса-чи? Қаерда, дейсизми? «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасида. Бу ҳақда эшитганмисиз?..

Бир неча йиллардан буён мамлакатимизнинг чегара олди ҳудудларида жойлашган академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Ёш чегарачилар» клублари фаолият кўрсатмоқда. Тенгдошингиз Мунаввар Ҳамидова ҳам ушбу клублардан бирига аъзо. У Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси. Ўқувчилар Мунавварнинг спортга бўлган қизиқишини, айниқса, югуришдаги маҳоратига қараб, коллежнинг «Қалқон» жамоасига таклиф этди. Буни қарангки, Мунавварнинг жамоаси «Ёш

хизматни ўташ ҳамда ҳарбий билим юртлирига ўқишга кириш учун тайёрлашга қаратилган. Муҳими, танловда иштирок этаётган ёшлар чегара қўшинларига кўмаклашувчи қўшинлар таркибида чегара олди ҳудудида давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлашда ихтиёрийлик асосида иштирок этишлари мумкин.

— Айни кунда клубимизга юздан ортиқ ўқувчилар аъзо, — дейди Нукус давлат педагогика институти қошидаги 3-сонли Амударё академик лицейининг «Ёш чегарачи» клуби раҳбари Даврон Мадраҳи-

Тошкент ҳарбий округи ўқувдала майдонида бўлиб ўтган «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг финал босқичида қатнашди.

Мусобақанинг республика босқичига йўлланма олган жамоалар дастлаб пойтахтимизда бўлишди. Улар учун шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди. «Ёш чегарачилар» дунё тан олган саркарда Амир Темур хиёбонида саф тортиб, Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди. Кейин Темурийлар тарихи давлат музейи билан танишдилар.

Жамоалар аъзолари орасида қизларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳол, албатта. XXI аср қизлари ҳам момолари Тўмарис каби доворак, эпчил, шу билан бирга, ақл-заковатлидир.

— Мусобақада биринчи бор иштирок этаётганим учун, ҳам

касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этишади. Улар жанговар ва ҳарбий-спорт беллашувларидан ташқари, ҳарбий бурч ҳамда ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий-ҳуқуқий билимлар борасида ҳам куч синашадилар. Мусобақа кунлари ўқувчилар Қуролли Кучлар ички тартиб-қоидалари асосида аскарлар тураржойларида яшаб, жанговар техника, ҳарбий хизматчиларнинг кундалик турмуши, ҳарбий хизматнинг шарт-шароитлари билан танишиб, кўникма ҳосил қилишади.

«Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг ҳарбий муҳитга максимал равишда яқинлаштирилган шароити ва шартлар асосида ўтказилиши алоҳида эътиборга молик. Масалан, финалга етиб келган жамоалар уч кун давомида ҳақиқий ҳарбий ўқувдала майдонида яшашади. Бу ерда ҳарбий техникалар, аскарларнинг ўқиш ва яшаш жараёнлари билан бевосита танишиш ва офицерлар билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишади.

Танлов шартлари ҳам ҳарбий регламентга мувофиқ тузилган. Жумладан, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасида иштирок этаётганларнинг жисмоний тайёргарлик билан бирга, назарий тайёргарлиги ҳам синовдан ўтказилади. Ватанимиз тарихи, мамлакатимизда рўй бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар, шунингдек, ҳарбий соҳага тегишли қонунлар, низомлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, аскарларнинг ҳарбий интизоми, мажбурияти ва бурчларига доир билимлар шулар сирасида.

«Ёш чегарачилар» мусобақасининг ўтган йилги республика босқичи иштирокчиси, сурхондарёлик Шерзод Эшқувватов ҳозирда чегара қўшинлари сафида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган.

— Бугун ҳарбий соҳанинг барча йўналишларидан хабардорман, — дейди оддий аскар Шерзод Эшқувватов. — Чунки мен ҳам «Ёш чегарачилар»да тобланганман. 2011 йил Музработ кичик ва ўрта бизнес касб-хунар коллежининг «Қоплон» жамоаси таркибида мусобақанинг республика босқичида қатнашган эдим. Ушбу мусобақа ҳарбий интизом, сафда юриш, қурол билан ишлаш, энг муҳими, ҳарбий бўлишга қизиқишимни уйғотди. Ҳозир «Ёш чегарачилар» мусобақаларида олган билим ва тажрибаларим асқотаяпти. Келгусида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик ҳарбий билим юртига ўқишга кириб, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилмоқчиман.

Ҳа, «Ёш чегарачилар» орқали ҳақиқий ватанпарвар ёшлар тарбия топишмоқда. Улар келажақда ҳақиқий Ватан ҳимоячилари бўлиб камол топишига кўнгилида мустақкам ишонч уйғонади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Табиий гуллар ёрдамида китоб тасвири туширилган «Сехрли эшикча»лар, «Ўзбегим шарлари» ҳамда «Камалак»нинг бир-биридан бетакрор кўргазмалари билан эртакнамо безатилган Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежи уч юздан ортиқ болажонларнинг қувноқ кулгиси билан тўлди.

Сюрпризларга бой танлов

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камалак» билимдони кўрик-танловининг вилоят босқичи сюрпризларга бой бўлди. Бири-биридан гўзал, замонавий ва миллий кўринишдаги кийимлар билан сахнани тўлдирган ўн уч жамоа «Танишув», «Саҳна кўриниши», «Савол-жавоб» ҳамда «Ижтимоий лойиҳа» шартлари бўйича ўзаро куч синашди.

Ҳар йилги иштирокида мазкур шартларни бажаришда «эринчоклиги» сезилиб турадиган Ромитанинг «Ўзбегим туморлари» жамоаси бу гал шашти баланд эканлигини кўрсатиб қўйди. Олотнинг «Юксак маънавиятли ёшлар»и ҳам бўш келмади. Кучлилиқда Қорақўлнинг «Камалак жилоси»ю, Жондорнинг «Умид ниҳоллари»дан ўзиб кетди. Санъату маҳоратда эпчил ва чаққон болажонлар билан бой Бухоро туманининг «Фунчаой» ҳамда Пешкунинг «Камалак» зукколари жамоаси эса билим бобида бироз оқсоқланиб қолишди. Вобкент туманидан келган «Баркамол авлод» ҳамда Шифирконнинг «Камалак ёғдулари» жамоасининг чиқишларини томошабинлар қизгин кутиб олишди.

Ғиждувоннинг «Камалак» маржонлари жамоаси билиму маҳоратда пешқадамлигини намоён этди. Мазкур жамоа «Камалак» билимдони кўриктанловининг республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди.

Турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритган болажонлар муносиб совғаларга эга бўлди.

Танлов сўнгида Обод турмуш йили муносабати билан Бухоро вилояти «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар ўртасида «Обод кўнгил» мавзуида эълон қилинган шеър, иншо ҳамда мақолалар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Худудий босқичларда қатнашган етти юз нафардан зиёд ёш истеъдодларнинг 117 нафари «Обод кўнгил» танловининг вилоят босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими томонидан сараланган тўққиз нафар ёш ижодкорга ғолиблик насиб этди. Ёш қаламкашлар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Тадбир санъаткорларнинг куй-қўшиқлари ҳамда вилоят «Кўғирчоқ» театри томошалари билан якун топди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг республика босқичида биринчи ўринга сазовор бўлди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бундан уч йил олдин мана шундай ўқувчи ёшларнинг кизиқиш ва интилишларини инobatга олган ҳолда клублар ўртасида уч босқичли ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларини ташкил этиш мақсадида «Ёш чегарачилар» лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Натижада, ёшларнинг билим ва тажриба алмашиши учун шароит яратилиб, йигит-қизларда бирдамлик ва шижоат руҳини мустаҳкамлаш, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш имкони пайдо бўлди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказиб келинапти. «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ўқувчиларда Ватанга муҳаббат ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш учун масъулият ҳиссини кучайтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари сафида

Уларнинг ўндан ортиғи қиз болалар. Клуб ҳарбий соҳага оид қўлланмалар, плакатлар, турли макетлар билан таъминланган. Клуб аъзолари ўқишдан бўш вақтда ўтказилаётган дарсларда туманимиздаги ҳарбий қисмларда бўлиб, ҳарбий соҳа бўйича зарур билим ва кўникмаларга эга бўлишади. Ўз навбатида, лицейимизга ҳарбий хизматчилар, фахрийлар ташриф буюриб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришади. Бу йил «Сардор» жамоамиз «Ёш чегарачилар» мусобақасининг республика босқичида қатнашиб, тўртинчи ўринга лойиқ топилди. Гуруҳ сардори Мухаммад Отахонов «Энг фаол гуруҳ сардори» номинациясига сазовор бўлди.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида Ўзбекистоннинг чегара олди ҳудудларида яшаётган беш минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирокида мусобақаларнинг худудий босқичлари ўтказилди. Ёшлар жанговар, спорт ҳамда интеллектуал тайёргарликнинг бир қанча шартлари бўйича ўз қобилият ва кўникмаларини намойиш этди. Бундан ташқари, ҳайъат аъзолари бўлажак чегарачиларнинг тарих, сиёсатшунослик, география фанларидан билимларини ҳам синаб кўрди. Энг яхши натижа кўрсатган ўн иккита жамоа

жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан кучли тайёргарлик кўргандим, — дейди Бекобод туманидаги Далварзин маиший хизмат касб-хунар коллежи ўқувчиси Мунаввар Ҳамидова. — Мусобақа шартларини бажариш менга жиддий кийинчилик тугдирмади. Бу сафар лойиҳага янги шарт киритилди — энди «Ёш чегарачилар» жисмоний нормативларни бажариш билан бирга, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби юзасидан тест саволларига ҳам жавоб беришади. Бу шартда ҳам кўп ўйланмадим, ўнта саволнинг тўққизтасига тўғри жавоб бердим. Чунки Юртбошимиз асарини кўп бора ўқиган эдим. Ҳар бир жамоада қизлар бор. Улар билан яқиндан танишиб, дўстлашиб олдим. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан биз, ўқувчилар учун ана шундай мусобақаларнинг ташкил этилаётгани жуда фойдали. Чунки аксариятимиз келгусида ҳарбий соҳа қиллари бўлишни ният қилганмиз. Мен ҳам келажақда Олий ҳарбий божхона институтида ўқимоқчиман. Ҳозир бизда бўлғуси касбимиз билан ўқувчилик пайтида ноқ танишиш имконияти бор.

Мусобақада республика-мизнинг чегара олди ҳудудларида жойлашган ўрта махсус,

«Universiada — 2013»

Гулга бурканаётган шаҳар

Уйингизга меҳмон келишидан олдин у янаям файзли, тароватли бўлиб кетади. Бугун Бухоро шаҳрини ана шундай файзли, меҳмонларга мунтазир, кўркам, улкан бир хонадонга менгаш мумкин.

Талаба-ёшларнинг «Универсиада — 2013» спорт ўйинлари бошланиши арафасида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, аҳоли яшайдиган 123 та кўп қаватли уй биноларининг фасад қисмига сайқал берилди. Шаҳардаги 13 та марказий кўча бўйларига ўн икки мингдан зиёд дарахт кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, янги гулзорлар ташкил этилиб, уларга етти минг тупдан ортиқ гул кўчатлари экилди. Улар бугун шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Кувонарлиси, шаҳарни гулзорлаштиришда ёшлар ҳам ўз хиссаларини қўшишди. Жумладан, Бухоро туманида яшовчи ёш фермер Ҳамзабек Турдиев 500 та гул кўчатини ҳада этди.

— Гул ҳар бир шаҳар ва қишлоқни янаям чиройли қилиб юборади, — дейди Ҳамзабек Турдиев. — Нафақат мен, вилоятимизда яшовчи ҳар бир тенгдошим Бухоронинг бундан ҳам обод ва кўркам бўлишини истайди. Бу йўлда улар ўз хиссаларини қўшаётганидан хурсандман.

Бугун Бухорога келсангиз, кундузи азим минораларнинг савлатидан, кўчаларнинг равонлигидан, одамлар юзидаги табассумдан дилингиз яйраса, оқшом турфа рангдаги чироқлардан мунаввар шаҳар кўркидан ҳайратга тушасиз. Катта спорт байрами нафаси ҳозирдан юртдошларимиз кўнглини кувончга тўлдирмоқда.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири



Саломатлик спартакиадаси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилояти кенгаши «Оила саломатлиги» югуриш марафонини ўтказди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, ўрта махсус касб-хунар таълими, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат

фонди вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган марафонда олий таълим муассасаларидаги талаба-қизлар, маҳаллалардаги иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар ҳамда кўнгилилар иштирок этишди.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган ушбу тадбир ёшу кексалар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Қарши шаҳридаги «Эски анҳор» маҳалласида истиқомат қилаётган 42 ёшли Қадринисо Холбозорова биринчилардан бўлиб финиш чизиғига етиб келди. Иккинчи ўринни 46-мактаб ўқитувчиси Гулруҳ Давронова,

учинчи ўринни Қарши тиббиёт коллежи ўқувчиси Мадина Кўчимова банд этди. Марафонда «Комилон» маҳалласидан 57 ёшли Малҳам Дониева «Энг матонатли аёл» номинацияси, Хуршида Холикова «Энг ташаббускор аёл» номинацияси, 12 ёшли Хадича Қўйлиева «Энг ёш спортчи қиз» номинацияси, Маржона Умарова «Энг чаққон аёл» номинацияси голиблигига сазовор бўлди.

Гулсал ҲОТАМОВА,
«Камолот» ЁИХ
Қашқадарё вилояти
кенгаши қошидаги «Ёш оила» маркази
раҳбари

Пойтахти-миздаги 24-Меҳрибонлик уйида «Камолот» стипендияси ва «Камолот» гранти соҳибларидан ташкил топган бир гуруҳ талаба-ёшлар ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси амалга оширилди.



Талабалар болалар ҳузурида

Дастлаб болажонлар эътиборига Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари тайёрлаган мусиқий дастур ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари томонидан саҳналаштирилган ҳажвий томошалар намойиш этилди.

Шундан сўнг тарбияланувчилар ўртасида уларнинг нутқини ривожлантириш, тезкор

фикрлашга ўргатиш, хорижий тилларга қизиқишини уйғотишга қаратилган интерфаол ўйинлар ўтказилди. Шунингдек, касб танлаш бўйича қизиқарли суҳбатлар олиб борилди. Лойиҳанинг ушбу қисмини ташкиллаштиришда Тошкент давлат юридик институти, Тошкент фармацевтика институти ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети тала-

балари фаоллик кўрсатишди.

Тадбир якунида тарбияланувчиларга фахрий ёрлик, эсдалик совғалар ва ширинликлар улашилди. «Камолот»чилар билан ўтказилган бир кун болажонларга чексиз қувонч бағишлади.

Алижон ВАҲОБОВ,
ТДЮИ магистранти,
«Камолот» стипендиати

Соҳир оҳанглар

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали драма театрида Нукус маданият ва санъат коллежи ўқувчиларининг Обод турмуш йилига бағишланган ҳисобот концерти бўлиб ўтди.

Тадбир ташкилотчилари мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлод таълими ва уларнинг иқболи учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида алоҳида тўхталдилар. Мазкур илм даргоҳида таҳсил олиб, эндиликда эл-юрт ардоғидаги, давлат мукофотларига сазовор бўлиб улгурган ёш хонандалар ўқув юртининг фахрига айланиб улгургани ҳақида ҳам айтиб

ўтилди. Тадбирда коллеж тарихи ва тажрибали устозларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига ушбу ўқув юртида йилдан йилга ўқувчиларнинг пухта билим олишлари ва ўз истеъдодларини намоён этишлари учун яратилаётган имкониятлар айна муддао бўлаётгани ҳам эътироф этилди.

Тадбирда коллеж ўқувчиларининг қорақалпоқ, ўзбек ва жаҳон мумтоз му-

сиқа дурдоналари намуналаридан иборат концерти юқори савияда ўтди. Халқ чолғулари оркестри ижросидаги «Қорақалпоқ сюитаси» йиғилганлар учун катта тўхфа бўлди.

Тадбирда жаранглаган куй-қўшиқлар билан бирга, театр либослари модельерлари йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг миллий ва замонавий либослар намойиши тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Жулдиз БАҲОУДДИНОВА,
Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси

Тараққиёт томирлари

Давлатлараро алоқаларни йўлга қўйишда денгиз йўли энг қулай ва арзон йўналиш ҳисобланади. Мамлакатимизни Қора денгиз, Болтиқ денгизи ва Узоқ Шарққа олиб чиқувчи денгиз портларига юк ташишни мувофиқлаштириш бўйича ҳукуматимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо юкларини ташиш бўйича саккизта транспорт коридори яратилди.

Бундан ташқари, 1996 йилда Ўзбекистоннинг фаол қатнашуви билан узунлиги 320 километрли Тежен — Серахс — Машҳад темир йўл магистралининг йўлга қўйилиши халқаро транспорт коридорларини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди. Бу эса, Марказий Осиё давлатларининг Эрон ва Туркия ҳудудлари бўйлаб, жаҳон бозорларига чиқиб учун янги трансосиё коридорини очди.

Европа — Кавказ — Осиё (ТРАСЕКА) транспорт коридори Марказий Осиё мамлакатларида, Европадан Қора денгиз бўйлаб Кавказ ва Каспий денгизи орқали ўтадиган куруқлик ва денгиз йўналишлари тармоғи сифатида аҳамиятлидир. Ушбу йўналиш орқали Европа ва Осиё ўртасидаги савдо му-

носабатларининг янада жадаллашганини қадимги Буюк Ипак йўли тиклангани билан қиёслаш мумкин. Бундан ўн йил муқаддам Техронда Ўзбекистон, Эрон ва Афғонистон давлатлари ҳукуматлари раҳбарлари ўртасида Халқаро трансффон коридорини яратиш ҳақида битим имзоланган бўлса, 2011 йилда мазкур давлатлар билан Покистон ўртасида товар ташиш ва транзит соҳасида ҳамкорлик бўйича келишувга эришилди. Ўзбекистон юкларининг транзити учун Афғонистон ҳудудидан фойдаланиш истиқболлари очилмоқда.

Қамбарали МАТКАРИМОВ,
ТДИУ магистранти

Мозийнинг барҳаёт гувоҳлари

Ҳар гал кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига йўлимиз тушар экан, олисларда ястаниб ётган улугвор Афросиёб манзараларига кўзимиз тушади. Олимларнинг айтишича, Самарқанднинг узоқ ўтмиши ҳақида шоҳидлик берувчи бу обида-музейнинг майдони 219 гектар. Йўл-йўлакай унинг яқинидан ўтарканмиз, Афросиёб харобаларидан то ҳануз ажодларимиз ҳайқирғи дунёга ўрлаётгандай туюлади...

Бугунги кунда юртимизда 1200 дан ортиқ музей фаолият кўрсатмоқда. Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Раҳим Қажомов билан суҳбатимиз ўтмишимиз «гувоҳлари» — музейлар фаолияти, уларнинг ёшлар тафаккури ва дунёқарашда тутган ўрни, юртимизда миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, қадимий обидаларимизга муносабат хусусида бўлди.

— Сиз ишлаётган Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, унинг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси йирик мажмуалар сирасига киради. Саккизта музей, олти тарихий обида, иккита зиёратгоҳни ўзида мужассам этган. Айна пайтда ушбу музей-қўриқхона фондида 211 мингдан ортиқ экспонат сақланяпти. Уларни кўришга қизиқувчилар сони ҳам ошмоқда. Ўтган йили музейга 800 мингдан зиёд томошабин келиб, бобомерос осори-атиқаларимизни кўрди. Жамоатчиликни миллий маданий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида ҳар йили йигирмадан ортиқ турли кўргазмалар ташкил этилди. Музейимиз фаолиятини тарихий экспонатларни тўплаш, уларни ўрганиш ва сақлашни таъминлаш, илмий-текшириш ишларини олиб бориш, экспозициялар тайёрлаш ва кўргазмалар очиш, маданий оқартув ва ноширлик ишларини олиб бориш, музей-қўриқхонани ривожлантириш учун хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, туристларни жалб этишни йўлга қўйиш ташкил этади. 269 нафар ходимимиздан 56 нафари илмий ходимлардир.

— Қадимий миллий маданиятимизни дунёга олиб чиқиш, халқимизга ўзигимизни англигимизда музейларимиз қандай аҳамиятга эга?

— Мустиқлик йилларида ажодларимиздан қолган бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш, мустабид тузум даврида харобага айланган ёдгорликларимизни қайта тиклашга катта эътибор қаратилди.

Биргина Афросиёб ёдгорлигининг ўзи 2750 йилдан зиёдроқ тарихга эга. Мазкур музейда, асосан, қадимий Афросиёб тепаликларида олиб борилган археологик қазималар чоғида топилган нодир ашёлар кўз қорачигидек сақланмоқда. Шунингдек, илк темир даврига оид сопол идиш парчалари, Сартепа

харобаларидан топилган хумдон макети, металл ишлаб чиқаришда кенг қўлланилган тош қуроллар ва қолиплар, қора гранитдан ясалган ўғир, мис тангалар, оташпарастрлар меҳроби, тегирмон ва тарози тошлари, сўғд ва сосонийлар тангалари, Буюк Ипак йўлининг харитаси ва бошқа экспонатлар ҳам шаҳар тарихига оид ноёб манбалар ҳисобланади. Музейнинг энг нодир экспонатлари орасида Сўғд ҳукмдори Вархуман саройидан топилган девор суратлари алоҳида аҳамият касб этади. 1965 йилда топилган ушбу деворий суратлар музей залига кўчирилиб, 1985 йилдан буён намоиш этилмоқда. Уларда ҳукмдорнинг Чағониён, Шош, Хитой ва Чосон (Корея)дан келган элчиларни қабул қилиш маросими, тўй тантаналари, ов манзаралари акс этган. Бундай ноёб топилмалар халқимиз маданияти ва давлатчилиги тарихи, юртимиз ҳудудида йўлга қўйилган халқаро муносабатлар нечоғли қадимийлигидан далолатдир. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги арафасида музей қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Айна пайтда музей фондида 20 мингдан зиёд экспонат мавжуд бўлиб, уларнинг икки мингдан ортиғи экспозиция залларидан ўрин олган. Ушбу экспонатлар дунё сайёҳларини ҳам ҳайратга солиб келмоқда.

— Бугун дунё музейларида сақланаётган нодир экспонатларга бир қур назар солсак, халқимизнинг қадимий тарихи ва маданияти билан боғлиқ улкан бебаҳо бойлигимиз юртимиздан олиб кетилганига гувоҳ бўламиз...

— Музейлардаги ҳар бир тарихий ашё нафақат мен учун, балки ҳар бир музей ходими учун фарзанддек азиз бўлиб қолган. Ота-оналар фарзандларини етаклаб музейларимизга олиб келганда, уларнинг ёш идрокига олис ўтмишимизнинг сувратини муҳрлаб, она Ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотаётганда кўнглим ифтихорга тўлади. Биз боболаримизнинг



ҳаққоний тарихидан мосуво бўлиб қолишимизга сал қолган эди. Шукрлар бўлсинки, у кунлар ўтиб кетди. Бугун юртимизда камолга етаётган ҳар бир ёш музейларга келиб, миллат қонида оқаётган боқий хотиралар билан танишади, ҳар куни улар билан юзмаюз бўлади. Кўнглида ватанпарварлик туйғуси жўш уради, келажакка ажодлар бунёдкорлигидан, илму маърифатидан ифтихор билан йўл олади.

— Тилимизга замонавий музей-интернет, мультимедиа, виртуал шакл инновациялари деган сўзлар кириб келди ва XXI аср музейлар учун инновациялар асри деб белгиланди. Бу ҳақдаги фикрингиз.

— Бу, албатта, давр талаби. Қолаверса, кўллаб музейшунос олимлар томонидан оммавий аудиторияни жалб этишнинг ўзига хос зарур масалаларидан биридир. Табиийки, музейга келувчиларнинг фикри вақт ўтиб ижтимоийлашади. Демак, жамият ривожига ушбу фикрнинг таъсири бор. Шу маънода, одамларни музейларга жалб этишнинг, музей экспонатлари намоишининг янги усуллари татбиқ этилмоқда, махсус музей структуралари яратилиб, қизиқарли туризм дастурлари устида иш олиб борилмоқда. Музейлар билан замонавий тилда тиллашадиган давр бошланди, десак ҳам бўлади. Бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз талайгина. Муҳими, музейга келган ҳар бир сайёҳ вақти беҳуда сарфланмаганига ишонч ҳосил қилиши керак.

— Музейлар фаолиятида кўргазмалар очиш, маданий оқартув ва ноширлик ишларини олиб бориш, музей-қўриқхонани ривожлантириш учун хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш хусу-

сида ҳам сўзлаб берсангиз...

— 2012 йилда музейимиз томонидан Ўзбекистон — Германия дипломатик алоқаларининг 20 йиллиги ва Германиянинг Фрайбург шаҳрида 2002 йилда ташкил этилган олмон-ўзбек илмий жамиятининг 10 йиллигига бағишланиб, «Германия менинг нигоҳимда» деб номланган фотокўргазма очирилиб, йил охиригача намоиш қилинди. Бу кўргазмада намоиш қилинган суратларни жамоатчилик асосида ташкил бўлган «Тинчлик ва бирдамлик» музейи раҳбари, олмон-ўзбек илмий жамияти аъзоси Анатолий Ионисев Германияга қилган сафарига тасвира олган. Кўргазма иштирокчилари ушбу суратлар орқали немис халқи ҳаёти билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлди.

«Ўзбек дўппиларининг мафтункор жилolari» деб номланган кўргазмаимиз ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шаҳримизнинг «Чорсу» галереясида Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган ушбу кўргазмада музей-қўриқхонада сақланаётган 250 дан зиёд дўппилар намоиш этилди. Бу дўппилар бир неча асрлар нафасини ўзида асраб келётган ноёб экспонатлардир. У халқимизнинг амалий санъати дурдоналаридир. Унинг ҳар бир қатимида аёлларимизнинг меҳр-муҳаббати, гўзал қалби жилolari ётади. Улар ҳар бир иштирокчини мафтун қилди, десам, муболага бўлмамайди. Бу ишлар, албатта, денгиздан томчи, холос. Биз, музейшуносларнинг асосий мақсадимиз халқимизнинг ноёб дурдоналарини келажак авлод кўлига беэиён, авайлаб етказишдир.

Шарифа САЛИМОВА
суҳбатлашди

Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг гоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Холислик ва очик-ойдинлик тамойилида

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонунга кўра, суд тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар ўтказилди. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар алоҳида инстанция сифатида, айрим маъмурий ишлар эса, фуқаролик судларида кўрилади бошланди.

Ўтган йили «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низом қабул қилинди. Комиссиянинг асосий вазифаси судья кадрларни танлаш ва уларни демократик тамойилларга амал қилиб жойлаштиришда қонунийлик, холислик, очик-ойдинлик ва ошқоралик таъминланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Судьялар фаолиятини ва одил судлов жараёнини чеклашга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этиш, судьяликка номзодлар захирасини юқори малакали, катта тажрибага, бунёдсон обрў-эътиборга эга, юридик ихтисослик бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда камида беш йиллик иш стажига эга бўлган ва ўттиз ёшдан кичик бўлмаган юристлардан шакллантириш белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, судьяларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида узоқ муддатли, имтиёзли шартларда ипотека кредитлари бериш тартиби ҳам жорий этилди.

Бобурмирзо ҲОЗИЕВ,
Олим БҮРИЕВ,
ТДЮИ талабалари

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ — 2012» танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» республика танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловга 2012 йилнинг 1 июнидан 2013 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади.

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2012» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz

Mutolaa

Тенгдошлар ижодида юрт тараннуми

Сурхондарёлик тенгдошларимизнинг назм ва насрдаги ижод намуналарини ўзида жамлаган «Сурхоннинг ёш ижодкорлари» баёзи нашрдан чиқди.



Мазкур китобнинг чоп этилишига бўлган жараёни тасаввур этиш мушкул эмас. Вилоятнинг турли туману қишлоқларида яшаб, қалам тебратаётган, адабиётга улкан ҳавас билан интилаётган юзга яқин ёш топиш, уларнинг ижод намуналарини саралаб, нашрга тайёрлаш — ўзига яраша меҳнат. Шундай эса-да, ижодга ҳавасманд тенгдошларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларнинг адабиётга меҳрини, қизиқишини янада оширишга хизмат қилувчи ажойиб иш амалга оширилди. Зеро, юртимизда истеъдодли ёшларни топиш, уларнинг ноёб иқтидорини юзага чиқаришдаги оламшумул ишлар адабиётимизга ҳам дахлдордир.

Китобдаги ижод намуналарини ўқиб, адабиётимизга янги авлоднинг шиддат билан, мен адабиётимизни янги босқичга кўтараман, деган улғу ниёт билан қадам кўяётганини дилдан ўтказасиз. Қуруқ даъволардан холи, гўзал ва бетакрор Ватанимизга, она халқимизга чексиз меҳр-муҳаббат, садоқат йўғрилган сатрлар, инсонийликни тараннум этувчи ҳикояларни ўқиб, китобга сарфланган меҳнат зое кетмабди, деган тўхтамга келади киши.

Бугун адабиётда танилиш учун ижодкорга янги овоз, янги нафас, ёзганларида ўзгача ижодий рух, қалам тегмаган теран

мушоҳада керак. Баёздан ижод намуналари жой олган тенгдошларимизнинг баъзиларида бунга интилиш борлиги сезилади. Чунончи, тенгдошимиз Сарвар Тўраевнинг «Ой юзидаги аёл», «Карвонқуш» ҳикояларида инсон қалб кечинмалари табиий ифодаланади, қаҳрамонлари самимий гапиради. Шунингдек, Барно Донаева, Си-рождидин Иброҳим сингари тенгдошларимиз шеърларидаги ажойиб ташбеҳлар, табиатга уйғун кўнгул манзаралари, рух тебранишлари ўқувчига яққол билинади.

Ушбу ёшлар баёзининг чоп этилиши — катта ютуқ. Ютуқки, юртимизда ёш ижодкорларга, улар истеъдодини шакллантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг меваси бўлиб, кўплаб қалбларнинг адабиётга меҳр риштасини мустаҳкамлади. Қолаверса, бу китоб эртанги адабиётимизнинг умидли ворислари учун муҳим пиллапоя ҳамдир.

Хайриддин МУРОД,
«Turkiston» мухбири

Shaxsiyat

Тарихда улғу хислатларни, хулқу одоб, умуман, эзгуликни мадҳ этган шоирлар кўп бўлган. Бироқ улар орасида ҳазрат Алишер Навоий ва ижоди ноёб жавоҳир янглиғ порлоқ ёғду таратиб, неча асрлардан бери биз, авлодлар қалбини мунаввар этмоқда.

Фазлу мурувватда ўрнак

Улғу бобомизнинг кўплаб асарлари орасида беш дostonдан иборат «Хамса» мажмуасини хорижлик адабиётшунослар ҳам яхши билади. Мазкур мажмуа ҳақида чет эллик шарқшунослар томонидан кўплаб илмий рисолалар ёзилганки, бу алоҳида мавзу.

Алишер Навоий санъат ва адабиёт, илм-фан ҳомийси сифатида кўплаб хайрли ишларни амалга оширган. Ўнлаб истеъдод соҳибларининг юзага чиқиб, номлари тарих зарварақларида муҳрланишига сабабчи бўлган. Унинг тарбияси ва ҳомийлигида истеъдод барқ урган Камолиддин Беҳзод каби илм-фан, санъат намояндларини кўплаб мисол келтириш мумкин. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазрат Навоийнинг маърифатпар-

варлигига қойил бўлиб, «Бобурнома» асарида буюк бобомиз ҳақида юксак эҳтиром билан «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай», деб таъриф беради.

Шоирлар султони дея эътироф этилган бобомиз нафақат улғу фазилатлар куйчиси, тарғиботчиси, балки кўплаб эзгуликлар ижрочиси сифатида ҳам тарих саҳифаларида номини яхшиликларга буркаб кетди. Бу унинг ботину зоҳири, сурату сийрати мувофик, комилликка интилувчи инсон бўлганидан далолатдир.

Моҳигул БОБОЕВА,
Самарқанд давлат
чет тиллар институти
ўқитувчиси



Шу... домла ҳам жуда шошқалоқ-да. Ҳали диплом иши ҳимоясига нақ бир ой бор-а. Ўҳ-хў... шунча адабиётлар. Тағин уларнинг баъзилари инглизча, русча эмиш. Уларнинг рўйхатини ўқиб тугатгунимча икки марта ўхлаб тураман-а.

Чуқур «ИЗЛАШУВЧАН»

Уфф-ф-ф. Бунисидан чиқмади. Шаша танбал айтган сайт қайси эди-я... Ҳозир, ҳа, мана улар. Бахтимга ҳаммаси чиқсин-да. Отанга раҳмат! Очилди! Хайрият, кодланмаган экан, жонивор. Қани... Бу атиги 30-35 варақ чиқади-ку?! Ҳа, майли, қолганларининг ҳам бир иложини топарман. Дарвоқе, домлам мавзуга оид бир китоб берувди. Қидириб кўрай-чи. Ҳа, бор. Мана, ўша мен қидирган китоб! Изкувар бўлиб кет-ей! Бунинг мавзуси диплом ишимнинг мавзусига сал-пал мос келар экан. Энди уни бир бошидан, йўғ-э, ўрталаридан бошлаб кўчираман.

Эртаси куни ҳамма ҳайратда, менинг диплом ишимни кўриб, эсанкираб, бошлари айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Айниқса, староста билан Дилининг юраклари ёрилгудек бўлса, ажабланмайман. Ҳайрон қоласан, киши, шунча вақтдан бери китоб тушмайди уларнинг қўлидан. Нақ китобнинг куртия улар. Замондан ўн аср, балки ўн беш аср орқада қолишган. Ундан кўра, тап-тайёр, яп-янги, бусбутун маълумотларни, реферату мустақил ишларни кўчир-да, қўй. Ҳимоя вақтида бироз юрагингни ховучлаб, «Ишқилиб, билиб қолишмасин», деган дуони ўқисанг, тамом, вассалом. Ҳаммаси сен ўйлаганингдай беш эмас, олти бўлади.

Раҳмат сизга, домлажон! Мени катта шармандалиқдан қутқариб қолдингиз — сиз ва китобингиз. Аммо

битта муаммо бор: билиб қолишсачи? Йўғ-э, бу китобни ёзган домла аллақачон, биринчи курслигимдаёқ пенсияга чиқиб кетган-ку. Яна китобларни, интернетдаги маълумотларни ким ҳам ипидан игнасиғача билиб ўтирибди, дейсиз?

Энди кўчирганларимнинг ҳаммасини, тўғрироғи, ҳамма кўчирганларимнинг сезилиш-сезилмаслигини энг аввал илмий раҳбаримда синаб кўраман. У кўз югуртириб, ўқиб чиққан бўлди. Хайрият, ҳеч нарса билгани йўқ. Аксинча, «тузатиш керак бўлган жойларини ҳисобга олманганда, мен айтгандай, жуда чуқур излаш олиб борибсиз» деди. Унинг бу сўзлари менда бир эмас, иккита диплом иши «ёзишга» иштиёқ уйғотиб юборгудек бўлди. Устозга раҳмат. Ҳали бу унинг биринчи марта дипломи ишига раҳбарлиги экан. Малакали, кўп битирувчи кўрган профессор домла бўлганида, балки янада юксакроқ баҳо берган бўлармиди? Ҳа, майли, ноилож, бориға барака...

Диплом иши ҳимоясининг дастлабкиси ҳам ўтди. Айтарли қийналмадим. Домланинг айтишича, тўрт йил олган билимларимиз, сабоқларимиз, бор ўрганганларимиз диплом ишимизда ўз аксини топиши керак экан. Умид қиламанки, буларнинг ҳаммаси диплом ишимда намоён бўлди. «Ҳимоя»дан ўтиб олсам, марра — меники. Шунақа гаплар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ
оққа кўчирган

Jinoyat jazosiz qolmaydi

Муси чиққан «САВДО»

Тошкент вилояти Бўка туман судида кўрилган жиноят иши тафсилотларини ўқиган киши қинғир йўлга қадам босган эр-хотиннинг чексиз надоматларига гувоҳ бўлади.

Эндигина ўттиз ёш оstonасида турган Элбек (исмлар шартли равишда ўзгартирилган) илк бор жиноятга қўл урганида ҳукуматимизнинг бағрикенглиги, кечиримлилиги туфайли энгил жазо тайинланган эди. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан тўғри уюлса чиқармаган йигит улангандан кейин ҳам эсини йиғиб олмади. Бекорчи, меҳнатга бўйин бермайдиган «қаҳрамон»имиз иккинчи маротаба жиноятга қўл урди. Бу гал унга жиний шерик сифатида турмуш ўртоғи ҳам кўмаклашди.

Элбек хотини билан қўшни Пскент туманида истиқомат қилувчи сингисини кўриб келиш учун йўлга чиққан эди. Кечки пайт соат ўн саккизлар чамасида сингисиникидан уйга қайтаётиб, Бўка туманидаги «Навоий» фермерлар уюшмасида яшовчи онасини ҳам кўриб кетмоқчи бўлди. Эр-хотин пули йўқлиги боис, икки соатча яёв юрди. Кўпдан бери онаси билан гаплашмайдиган Элбек онасини кўчадан кўриб қайтишга қарор қилди. Қоронғилик атрофни қоплагунча маҳаллага яқин жойдаги боғда кунни кеч қилишди. Тун ярмидан оққанда эр-хотин уйга қайтар экан, кўз остига олиб

кўйгани — қўшнилари ховлисида бир нечта мол боғланиб турганини кўриб, фикри бузилади. Хотини Моҳирага, кўчада ташқаридан қараб тур, деб, ўзи ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, кекса қўшнисининг бир бош қорамолини ечиб олиб чиқади. Осонгина қўлга киритилган «ўлжа»ни энди бир ёқли қилиб пуллаш истагида эр-хотин Пскент туманидаги Муротали қишлоғидаги мол бозорига йўл олишди. Буни қарангки, бозорда харидор кутиб овора бўлишининг ҳам кераги бўлмади. Йўлда ҳамроҳлик қилган ҳамқишлоғи Абдуҷаббор эр-хотиннинг жонига ора кирди. Бозорда аввал ўзининг молини сотгач, Элбек ва Моҳиранинг ҳам молини арзонгаровга сотиб олади. Осонгина қўлга киритилган пулни олиб, эр-хотин Олмалиқ шаҳридаги ижарадаги уйларида кетишди.

Тонгда уйқудан уйғонган Раҳим бобо молларидан бири йўқлигидан ҳайрон бўлади. Мол бўшалиб кетган бўлса керак, деб ўйлаб, ён-атрофни ахтариб тополмайди. Отахон Бўка мол бозорини айланиб, ўзининг молига ўхшаган молни учратмайди. Кейин Пскентдаги мол бозорини қараб юриб, бир машинанинг юкхонаси-

га ортилган ўзининг молини таниб қолади. Ички ишлар ходимлари ёрдамида молини қайтариб олишга эришади. Раҳим бобонинг молини сотмоқчи бўлган қўшнисини ҳамда унга ярим баҳосида сотган Элбекнинг ҳам қилмишларидан барча хабар топади. Бир неча кун ўтгач, Элбек билан Моҳира иккаласи Бўкадаги мол бозорига келганида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олиниб, туман ИИБга олиб келинади. Шахсий эҳтиёжлари учун ишлатилиб юборилган пулдан қолган икки юз минг сўм пул эгасига қайтарилади. Судда фуқаровий даъвогар сифатида иштирок этган Абдуҷаббор кекса отахоннинг молини қайтариб берди. Олиб борилган суд мажлисида эндигина турмуш қурган Элёр ва Моҳиранинг қилмишлари таҳлил қилиниб, суд томонидан ўғирлик содир этган эр-хотиннинг жиний ҳаракатлари ҳуқуқий баҳоланди.

Содир этган ҳаракатларидан чин дилдан пушаймон бўлган эр-хотинга халқимизнинг бағрикенглиги, кечиримлилиги туфайли озодликдан маҳрум этиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда бир йил синов муддати билан алмаштирилди.

Ойбек ИСМОИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Бўка туман суди раиси.
Дилбар
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири.



Ehtiom

Бугунги тинч-осойишта замонимиз учун жонини қурбон қилганлар, тирик қайтиб бугун орамизда ганимат юрганларга кўпроқ эътибор кўрсатгимиз келади.

Кексалар ЭЪЗОЗДА

Уруш ва меҳнат фахрийси Рўздатжон ота Рашидов ҳам бугунги нурли кунлар йўлида жон бериб-жон олган, мардонавор жанг қилган. Бундай қаҳрамонларимизни қанча ардоқласак, эъзозласак, арзийди. Рўздатжон ота биз, ёшларга уруш ҳақида ҳикоя қилар экан, бугунги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш шартлигини айтишдан чарчамайди.

— Сизларнинг ҳар томонлама етук бўлиб ўсишларингиз, иқтидорларингизни кўрсатиб, ютуқларга эришадиганингиз юртимизда тинчлик барқарорлигидан, Юртбошимизнинг шундай имкониятлар яратиб бераётганингиздан эмасми?!

Рўздат ота урушдан қайтгач, ўзи қизиққан соҳа — ички ишлар тизимида ишлади. Қатор йиллар, ёшларга ибрат бўлиб, сидқидилдан меҳнат қилди.

Байрам баҳона у кишини уйларига кўпчилик йўқлаб борди. Улар орасида отахоннинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни истаган ёшлар ҳам анчагина. Рўздат отани байрам билан табриклаб, Президентимиз қарорига асосан, пул мукофоти ва турли совғалар топширилди. Яна худди шундай 44 нафар уруш ва меҳнат фахрийсининг хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олинди.

Биз ҳам Рўздат ота суҳбатларидан таъсирландик, ўзимизга тегишли хулосалар чиқардик. Бир қарич тупроғимизнинг қанчалар муқаддаслигини ҳис қилсан, киши. Тинчликнинг, гўзал диёримизнинг қадрини баланд тутишимиз, турли ёт гоёлар таъсирига берилиб кетмаслигимиз керак.

Нодирабегим УМАРХЎЖАЕВА,
Кўқон педагогика коллежи ўқувчиси

Ҳаёт гўзаллиги оила билан

(Давоми, боши 1-бетда)

Илмий-амалий конференцияда оилага психологик ёрдам кўрсатиш бўйича Республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан тайёрланган Файрат Шоумаров, Умарали Қодиров ҳаммуаллифлигидаги «Оилага психологик ёрдам кўрсатиш» услубий қўлланмасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу тўплам ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги ролини ошириш, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва асрий кадрларимизни эъзозлаш каби аънаналарни давом эттиришга қаратилган илмий манбадир.

Оила ҳақида гап кетганда, маҳалла кўз олдимизга келади. Маҳаллалар оилалардан иборат. Оилаларнинг тинч-хотиржамлигини таъминлаш, ёшларни шу маҳалла ва оила шаъни учун кураша оладиган, диёнатли инсонлар қилиб тарбиялаш каби муҳим вазифалар бевосита маҳаллалар зиммасига тушади. Инсоннинг оилада олган тарбияси, одоби, илму ҳунари маҳалла муҳитида янада юксалиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг қарор топишига олиб келади.

Маҳаллада ҳамжиҳатликни таъминлашда, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда, соғлом оилаларни шаклланди.

тиришда маҳалла фаолларининг, яраштириш комиссияси, ёшлар билан ишлаш комиссияси, аynиқса, «маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, шунингдек, ахлий маърифат ва маънавий-дихлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар алоҳида ўрин тутди.

— Бугунги кунда республикамиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тузилган яраштириш комиссиялари оилалардаги ижтимоий-руҳий вазиятнинг мўътадиллиги, оилалар мустақамлиги йўлида фаолият олиб бормоқда. Маҳалла фаоллари, комиссия аъзолари билан биргаликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 31 мингдан ортиқ оилалардаги нотинчликларга барҳам берилди. Комиссия таркибидаги кўпийиллик ҳаёт тажрибасига эга нуруний отахон ва онахонлар, зиёлилар, ибратга лойиқ инсонлар кўмагида тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида 23 мингга яқин оила яраштирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди етакчи мутахассиси Наргис Азаматова.

Конференция давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» муҳбири



Бургага аччиқ қилиб...

Хитойнинг Циндао шаҳрида яшовчи Ван фамилияли киши сервис маркази унинг қимматбаҳо машинасига ёмон ва сифатсиз хизмат кўрсатгани сабаб «Maserati» автомобилини пачоқлаб ташлади.

Машинани бузиш учун Ван тўрт кишини ёллаган. Улар «Maserati»нинг олд ойнаси, капот, фаралари, кузов ва бошқа деталларини болга билан пачоқлашган ва синдиришган. Томоша жойида тузук хизматни кўрсата олмаган сервис марказини айбловчи сўзлар бўлган баннер ҳам бор эди. Ван сеvimли автомобилини 2011 йилда 2,6 миллион юан (423 минг доллар)га сотиб олган экан. Машинани сервис марказига олиб келганида, у тегишли даражада хизмат кўрсатиш сифатини кўрмаган, яъни янги эҳтиёт қисмлари ўрнига ишлатилганлари ўрнатилган, шунингдек, марказ хизматчилари эшикни тўғрилай олишмаган ва кузовдаги тирналган жойларни йўқ қила олишмаган. Хитойда 2011 йили худди шу Циндао шаҳрида бир ишбилармон уч миллион (488 минг доллар) юань турадиган «Lamborghini»сини пачоқлаб ташлаган эди. Маълумотларга кўра, у эҳтиёт қисмларни алмаштириш вақтида қаллоблиқдан ранжиган экан.

Замонавий «Мерлин»

Жанубий Африкадаги Свази қабиласи истиқомат қиладиган Свазиленд қиролигида жодугарларга 150 метрдан баландга учиш тақиқлаб қўйилди.

Мамлакат ҳаво қонунчилигига бу борада тегишли ўзгартириш киритилган. Тақиқни бузган жодугарларга 55 минг доллар жарима солинади. Жодугарлардан ташқари, авиация идораси ўйинчоқ самолётлар ва варракларга ҳам баланд учишни тақиқлаган. Бу каби чоралар хусусий детектив ўйинчоқ самолётдан фойдаланиб, кузатув олиб бораётган вақтида кўлга тушганидан кейин жорий этилган. Бир ой аввал Свазиленддаги парламент сайловларида иштирок этаётган номзодларга жодугарликдан фойдаланиш тақиқланган эди. Узгача кучлардан фойдаланган сиёсатчилар бир йилгача қамоқ ва минг доллар миқдоридagi жарима билан жазоланди. Свазиленднинг аксарият аҳолиси жодугарликка ишонади ва тез-тез сеҳрга асосланган одатларни амалга ошириб туради.

Май ойининг ўзгача эркаликлари

Англиянинг жануби-ғарбий қисмини қор қоплади.

Мамлакатнинг жануби-ғарбий қирғоқларида кучли қор бўронлари ва секундига 30 метр тезликда эсаётган шамол қайд этилди. Мамлакатнинг ғарбидаги Корнуоллда 280 та хонадон электрсиз қолган. Кўшни Девон графлигида ва бошқа худудларда сув тошқинлари тўғрисида умумий ҳисобда 22 та огоҳлантириш берилган. Маълумотларга қараганда, кучли шамол бутун мамлакат бўйлаб кўплаб дарахтларни кўпориб ташлаган.

Интернет манбалари асосида Жаҳоир КАРОМАТОВ тайёрлади

Qalding' och

Сергели туманидаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида «Зулфияхоним қизлари» номли тўғарак бор. Унда ўқувчилар шеър, хабар, лавҳалар ёзиш, расм чизиш бўйича билимларини ошириб боради. Тўғарак раҳбари Дилором Ҳайдарова ўқувчиларга ижод сирларини ўргатишда ўз ёрдамини аямайди. Қуйида тўғарак аъзолари ижодидан намуналар ўқийсиз.



ЖИЙДА

Эрта баҳор гуллайди,
Анҳор бўйида жийда.
Ҳиди ўткир, хушбўй у,
Гуллари жуда майда.

Бобом эккан дарахт у,
Момом суяр жийдани.
Мевасидир фойдали —
Тиклайди хотирани.

Моҳинур Омонова



УКАЖОНИМ

Кўзлари қора укам,
Мунчоқ қадалганмикан.
Киприги узун-узун,
Капалак кўнганмикан.

Дарс қилгани қўймайди,
Атрофимдан кетмайди.
Ручка-қаламларимни,
Тортқилайди, бермайди.

Умида Убайдуллаева



ГУЛ

Тоғларда лолалар қийғос,
Қизалоқлар теради.
Кучовин тўлдириб завқ билан,
«Сизга» деб келтириб беради.

Гуллардан завқ олиб яшаймиз,
Кўзимиз қувнайди кўрганда.
Оналар шодланар, қувонар,
Боласи гул териб берганда.

Дилафрўз Равшанбекова



ТЕНҚДОШЛАРИМ

Ҳар бир ишда илғордир,
Зулфияхоним қизлари,
Ўзбегимнинг қизлари —
Келажак юлдузлари.

Мен ҳам Зулфия каби
Зўр шоира бўламан.
Юртимнинг таърифини
Дунёларга ёяман.

Раъно Худойбердиева



ТУШ

Узоқ ўрмонга бордим,
Ҳайвонлар равон гапирар.
Ҳавас қилдим — улар ҳам,
Маслаҳатли иш тутар.

Кўзиқорин тердим кўп,
Кўтарсам, оғир экан.
Чўчиб кетдим, қарасам,
Бу ўнгиммас, туш экан.

Озода Бозорбоева



МЕҲРИБОНИМ

Оқ ювиб, оқ тараган,
Ғамхўримсиз, онажон
Кўнглимизга қараган,
Меҳрибонсиз, онажон.

Кўзингизда меҳр бор,
Сўзингизда сеҳр бор.
Менда шундай тилак бор:
Элда топинг эътибор.

Дилбар Омонова

«ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ» ФЕСТИВАЛИ
ЎЗБЕКИСТОН «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ
ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ



ҳамкорликда

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида илмий-ижодий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, уларнинг иқтидори ва қобилиятларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида

2013 йил 27-31 МАЙ КУНЛАРИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА

«ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ»

фестивалини ташкил этади.

Фестивалда республикадаги барча олий таълим муассасаларидан талабалар иштирок этади. Фестиваль доирасида талаба-

ларнинг илмий-амалий анжумани, иқтидорли ва истеъдодли талабалар танловлари, интеллектуал ўйинлар, акциялар, маҳорат дарслари

ва тарихий обидаларга саёҳатлар ташкил этилади.

«Талабалар баҳори» — улкан имкониятлар майдони!

Маълумот учун телефон: (+99895) 170-90-35, (+99895) 170-90-36

Mutaxassis ogoh etadi

Таътил янада қувноқ ўтиши учун

Ҳадемай, сўнгги кўнгирак жаранглаб, ўқувчилар сўлим, хушхаво табиат қўйнига, дам олиш оромгоҳларига ошиқади. Оромгоҳлар бағри яна болаларнинг шўх ўйин-кулгиси, хурсандчилиги шодон қийқириқларига тўлади.

Юртимиздаги ҳар бир оромгоҳ маъмурияти, табиийки, ўқувчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши ҳамда чиниқиб, соғлигини мустаҳкамлаши учун барча шароитларни яратиб беради. Шунингдек, дам олиш мавсуми кўнгилисиз ҳодисаларсиз ўтиши ҳам таъминланади. Бу тайёргарлик даврида муҳим тадбир

— ёнғин хавфсизлигига қаратилган ишларни амалга ошириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хўш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун қандай тартиб-қоидаларга риоя этиш шарт?

Аввало, қабул бошлангунга қадар оромгоҳлар ҳудудидаги биноларнинг ёғоч қисмлари ёниш тезлигини пайсантирувчи махсус кимёвий суюқлик билан қайта ишланган бўлиши, ҳудуддаги барча электр сим ва кабеллар ҳимоя қобилиятининг электр токига қаршилиқ даражаси синовдан ўтказилиши керак. Синов пайтида аниқланган электр ўтказгич ва кабелларнинг носоз қисмлари, чироқни ёқиш қурилмалари ҳамда бошқа турдаги электр манбалар созланиши ёки янғисига алмаштирилиши керак.

Оромгоҳларда ўтадиган дам

олиш мавсуми кечалари ёқилган гулхан атрофидаги ўйин-кулгилари билан қизиқ. Бундай қувноқликлар кўнгилисиз яқун топмаслиги учун гулхан ёқиладиган майдон бинолардан узокроқда, куруқ хашак, ёнғунчи жисмлардан холи, ҳар томонлама хавфсиз бўлиши лозим.

Оромгоҳ раҳбарияти ва мурабийлар болаларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Болаларимизни оловнинг салбий оқибатларидан асраб-авайлаб, ўз уйларига соғ-саломат кузатиб қўйиш — барчамизнинг асосий вазифамиз.

Улуғбек ВАФОЕВ,
ИИБ ёнғин хавфсизлиги бош
бошқармаси тарғибот гуруҳи
муҳандиси, капитан

					Қази-картали таом		Бол (синоним)		Оде-колон, ...-упа			Ошбоп хушбўй уруғ
Тинч, сокин	Олов, оташ		Газета нусхаси, тираж	Наҳанг	Аму, Жайхун				Ойликдан улуш, бунак			
	Серсоя дарахт		Ақл, идрок, онг				Тўтиқуш тури					
			Фарзанд		Фото, сурат		Кўзгу		Бўсаға, пойгак			
								Бирлик санок сон				
			Гўзал, далбар		12 ой			Жусса, гавда, вужуд	Игна			Миллий таом
							Ором, дам олмоқ		«...-шпа» (дори)			
Гавда қисми, кифт			Тил, забон		Нишли ҳашарот			Исмдош, оддош				

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

Ўқиб вақт ютқазмайсиз

«Ўзбекистон ёшлари, тасанно сизга!» — шу сарлавҳадаги хабар ва маълумотлар билан танишгач, сиз ҳам, албатта, ҳақли равишда шундай фахртга сўзларни айтиб юборишингиз тайин. Ахир, 47-халқаро Менделеев олимпиадасида 17 давлатдан келган 117 нафар йигит-қиз ичидан иккита олтин, бешта кумуш, саккизта бронза медални қўлга киритган 15 нафар ўзбекистонлик иқтидорли ўқувчи мамлакатимизни ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишида ўз ҳиссаларини қўшаптилар-ку. Қўшаҳида ана шулар ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Иқтидорлиларнинг эришаётган ғалабаларидан кўнгли тоғдек кўтарилган ўқувчига бироз лирик чекиниш имконияти ҳам бор. «Назм» рукни остида шоир Ўткир Раҳмат шеърлари сизни кўнгили кенгликларига бошлаб кетса, ажабмас.

«Сўнгги пайтларда бизни тез-тез Олмос қишлоғида жойлашган 21-мактабга, аввало, ўзи, қолаверса, тенгқур дугоналари билан тақлиф қилди» — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Худойберди Тўхтабоевнинг ким ҳақида, нима демоқчи эканлигини билишни истаган ўқувчи «Ташаббускор қиз» мақоласини иштиёқ билан ўқишга тушиши тайин.

Журнални эринмай, тагин варақлайверганлар «Бог-бон» «Хасис чол», «Кўёнлар»ни албатта кўради. «Эр-таклар — яхшиликка етаклар» рукни азиз ота-оналар, умидимиз — болаларга жуда асқотади.

Шунингдек, журналдан ҳаваскор ижодкорлар машқларидан намуналар, мулоҳазага чорловчи мақолалар, психолог маслаҳати ва турли мавзудаги мақолаларга кенг ўрин берилган. Охириги саҳифадаги қувноқ латифаларни ўқигач, журнални табассум билан ёпиб қўясиз.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

SUDOKU

4	2	7	6			1	9	7				
6			3		7		6					4
	7		5	3	1		2	9				6
		4	8				6	3	4			
	3			9			9	1				5 3
		7	6				6	9	7			
3	9	6		7			3			2	4	
2		5			3							9 5
	6				2					3	2	1

YON DAFTARCHANGIZGA

Ҳар қандай ортиқча нарса ё саломатликни, ё асабни, ё дидни расво қилади.

Жозеф Жубер

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»
 ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
 МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
 Республикаси
 Матбуот ва ахборот
 агентлигида 2007
 йил 19 апрелда
 № 0242 рақам
 билан рўйхатдан
 ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева
 Дилбар
 Эркиновна

Саҳифаловчи:

Рўзиев
 Зафар
 Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент,
 Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
 (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
 e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
 Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Буюртма Г-543.
 Адади — 13598

Босишга топшириш вақти — 21.00
 Топширилди — 21.45
 ЎЗА якуни — 21.00

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6